

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Бош прокуратура Академияси  
харид комиссияси аъзолари  
билин келишилган  
«31» март 2022 йилги  
№ 41 -сонли баённома

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратура Академияси,  
Харид комиссиясининг раиси  
  
У.У.Нигмаджанов  
«31» 03 2022 йил

**«Хавфиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиши мавзусидаги  
инновацион лойиха доирасида «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш  
бўйича  
ташкилотни аниқлаш юзасидан**

### **ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

Тошкент-2022 йил

## **МУНДАРИЖА**

- I Боб. Катнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Шартнома шакли

# **I БОБ. ҚАТНАШЧИГА КҮРСАТМА**

## **A. Умумий маълумот**

Танлов предмети  
Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар  
Танлов комиссиясининг вазифалари  
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари  
Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари  
Танлов доирасида ҳужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш

## **B. Танлов ҳужжатлари**

Танлов ҳужжатининг таркиби  
Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш  
Танлов ҳужжатларига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш

## **B. Танлов ҳужжатларини тайёрланиши**

Танловда қатнашиш харажатлари  
Танловда қўлланиладиган тил  
Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар  
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунириш  
Муқобил таклифлар  
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

## **Г. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши**

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш  
Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати  
Танлов таклифларининг очилиши

## **Д. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш  
Таклифларнинг мос келмаслиги

## **Е. Шартномани расмийлаштириш**

Шартномани расмийлаштириш  
Тўлов шартлари  
Шартномани имзолаш

## **A. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **1. Танлов предмети**

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан амалга оширади.

#### **Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:**

Танловни ўтказиш очиктурда бўлиб, «Хавфиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиш мавзусидаги иновацион лойиха доирасида «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш юзасидан хизматларни кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

#### **Хизматларнинг максимал нархи ҚҚСиз: 32 000 000 сўм.**

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солифисиз.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмida жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиши муддати: 45 иш куни.

### **2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар**

Бюджет маблағи ҳисобидан «Хавфиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиш мавзусидаги иновацион лойиха доирасида «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси;

Манзили: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз қўчаси, 42 уй;

Танловни ташкил этиши ва ўтказиш учун (71) 202-04-96 (1747) рақамига мурожаат қилиш мумкин.

### **3. Танлов комиссиясининг вазифалари:**

харид қилиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;

зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиши тўғрисида қарор қабул қиласди;

харид қилиш тартиб-таомилларини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

**Танловнинг ташкилотчиси** - Ишчи гурух. Унинг вазифасига қўйидагилар киради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг [www.xarid.uzex.uz](http://www.xarid.uzex.uz) порталаида эълон беради;

- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:**

-қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қиласи ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлов нарх таклифини аниқлади, ғолибни аниқлади ва қарор қабул қиласи.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

#### **5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун кўйиладиган малака талаблари**

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

**5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.**

Танлов қатнашчилари қўйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

**5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига маҳсус электрон порталга жойлаштиради. Тараборлар ташкилот номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қўйидаги хужжатлар бўлиши лозим:**

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- танлов таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

**5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.**

**5.4. Танловда ғолиб чиқсан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.**

**Танлов ғолиби** – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

**5.5. Танловга қўйидаги қатнашчилар қўйилмайди:**

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар

ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний хукуқقا эга бўлмаган;
- инсофисиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишини назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараённида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

## **6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-коидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилингандиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Танлов ҳужжатининг таркиби**

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш**

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши**

9.1. Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўtkазиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди..

## **В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Танловда қатнашиш ҳаражатлари**

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча ҳаражатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориши натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **11. Танловда қўлланиладиган тил**

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва қатнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

12.1. Танлов таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлов таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов қатнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

### **13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидағи барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

### **14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

### **15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун қатнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзолangan ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва

иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлов қатнашчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

## **Г. ТАНЛОВ ТАКЛИФИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

### **16. Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш**

16.1. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айrim ҳолларда танлов комиссияси танлов қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

### **17. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати**

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари dxarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиширилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

### **18. Танлов таклифларининг очилиши**

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 10 кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштироқида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлов қатнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлов ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида танлов ҳужжатларида қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмuni эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

## **Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

### **19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танлов қатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чиқиши муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хуносасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди факат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов хужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиqlаниши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг [www.dxarid.uzex.uz](http://www.dxarid.uzex.uz) махсус порталида эълон қиласи.

### **20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Танлов хужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

қатнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қиласи.

20.2. Агарда қатнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи хукуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов куйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов хужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов хужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

## **1. Танлов**

### **E. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

#### **21. Шартномани расмийлаштириш**

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг [www.xarid.uz](http://www.xarid.uz) маҳсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки тақорий танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

#### **22. Шартномани имзолаш**

22.1. Голиб қатнашчи З (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Голиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

22.3. Танлов ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

## **II БОБ. Танлов таклиф шакллари**

№ \_\_\_\_\_-лот

**Танлов қатнашчисининг ташкилий тузилмаси**

Танлов қатнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ \_\_\_\_\_-лот

**(Катнашчининг фирма бланкасида)**

№ \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ сана

**Қатнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли**

Танлов савдолари иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон рақами: \_\_\_\_\_

Факс: \_\_\_\_\_

Юридик ақоми: \_\_\_\_\_

Ташкил этилган жойи ва санаси: \_\_\_\_\_

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: \_\_\_\_\_

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: \_\_\_\_\_

Доимий ва вақтингчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Вақтингчалик ишловчи ходимлар (жами): \_\_\_\_\_

Камида 10 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Вақтингчалик ишловчи ходимлар: \_\_\_\_\_

Танлов қатнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, ҳудудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- омборхона жойлари мавжудлиги (жами  $m^2$ ) [хусусий ёки ижара];
- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана

Қатнашчи номи: **[Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]**

Таклифга имзо чекувчи лавозими: **[Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]**

Имзо: **[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]**

Ушбу таклиф **[Катнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]** кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: **[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]**

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

3-шакл

№ \_\_\_\_\_ -лот

**Маҳсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали**

Иштирокчи: \_\_\_\_\_

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топширик талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5
<i>Танлов ном ва Лот раҳами</i>				
1				
2				

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юкорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

4-шакл

№ \_\_\_\_\_ -ЛОТ

**ТАНЛОВ ТАКЛИФИ**

КИМГА: Танлов комиссиясига  
Жаноблар!

Савдо учун олиниши (хизмат кўрсатиш) ушбу билан тасдиқланувчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,  
биз қуида имзо чекувчилар, ушбу Танлов таклифининг бир қисми ҳисобланувчи ва таклиф этилаётган  
нарх-наво жадвали билан тасдиқланувчи \_\_\_\_\_

суммада

ги

(Танлов таклифининг умумий суммаси ёзма ва рақамларда)

кўрсатилган ҳужжатлар асосида етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф  
этамиз.

Бизнинг Танлов таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун Буюртмада  
келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) графиги асосида товарларни етказиб бериш  
(хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ )  
сўм закалат пулимиз Шартнома шартларининг бажарилиш яқунига қадар ва биз томонимиздан шу  
каби Шартнома шартларининг бажарилишига кафолат сифатида Танлов Буюртмачиси ихтиёрида  
туради.

Биз танлов таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 30  
(үттиз) банк куни давомида ушбу танлов таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз.  
Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга  
қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Расмий Шартномани тайёрлаб ва уни расмийлаштиргунга қадар ушбу танлов таклифи, унинг  
қабул қилинишидаги Сизнинг ёзма тасдигингиз ва Шартномага эга бўлганлигингиз ҳақидаги Сизнинг  
билдириш хатингиз билан биргаликда бизнинг ўртамиздаги ҳақиқий (мажбурий) Шартнома ролини  
бажаради.

Биз албатта инобатга оламизки (тушунамизки), Сиз ўта кичик ҳисоб қийматига эга бўлган танлов  
таклифини ёки умуман Сиз олган таклифлардан қайси биринидир қабул қилишга мажбур эмассиз.

Биз ҳар ойнинг иккинчи санасида, бутун етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) даври мобайнida  
танлов савдоси шартларининг ижро этилиши ҳақидаги ахборот-маълумотларни тақдим этиб бориш  
мажбуриятини оламиз.

20 й. \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ санаси билан белгиланди.

[имзо]

[лавозими]

(савдо иштирокчисининг номланиши)

Қатнашчининг номидан ва топшириғи бўйича Танлов таклифини имзолаш ваколатига эгалик  
қилувчи

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ  
ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

5-шакл

№ \_\_\_\_\_ -лот

**Қатнашчи таклиф этган маҳсулотнинг (хизматларнинг, ишларнинг) нарх жадвали**

Иштирокчи: \_\_\_\_\_

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир донасиning нархи	Умумий нархи
1.					
2.					

**Етказиб берилаётган маҳсулот умумий қиймати жами:**

\_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

**Изоҳ:** маҳсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фарқланиш аниқланилса, бундай ҳолда бир дона маҳсулотнинг нархига қаралади.

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

БОБ-БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИНДА БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИНДА БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИНДА

БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИНДА БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИНДА БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИНДА

### **ІІІ БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КҮРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ, ТЕХНИК ТАЛАБЛАР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

## 1. Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: «Хавфиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиши мавзусидаги иновацон лойиха доирасида «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиши муддати: жорий йилнинг 31 декабрь 2022 йилгача.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Бюджет маблағ ҳисобидан(войиха маблағлари ).

1.6. Конунга асосан баҳолаш мезонлари қўйидагилардан иборат:

- нарх;
- етказиб бериш базиси;
- етказиб бериш муддатлари;
- тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;
- тўлов ва кафолатлар шартлари;
- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

**ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА  
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗАТЛАРГА  
ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

**1. Умумий маълумотлар**

«Хавфиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиш мавзусидаги иновацон лойиха доирасида «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш

т/р	Маҳсулот (хизмат) номи	Хизмат нархи
1.	<p>Лойиҳани амалга ошириш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:</p> <p>Маълумотлар базаси</p> <p>Ахборот тизими</p> <p>Протоколлар</p> <p><b>1-босқич</b></p> <p>1) Техник топшириқни ишлаб чиқиш-техник топшириқни ишлаб чиқиш жараёнида корхона ёки қилинаётган иш жараёнини тўлиқ тушуниб тизимни яратилиши наразда тутилади. Бу тизим “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ““Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони инобатга олган ҳолда яратилади. Бу хужжат давлат стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу хужжатга киритилган ўзгартиришлар “Хавфиз йўл” ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун вақт ва бюджетни ўзгартиришни назарда тутади.</p> <p>Техник топшириқ қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:</p> <p>“Хавфиз йўл” ахборот тизимини яратиш қўйидаги ишларни ўз ичига олади:</p> <p>1) Яратилаётган тизимни дизайнини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) Структурани тушунтириш;</p> <p>3) Тизимдаги савол жавобларни киритиш;</p> <p>4) Тизимни функциялари (хизматлари):</p> <p>1) Ахборот тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш;</p> <p>2) Ахборот тизими фойдаланувчиларидан маълумотларни</p>	

	<p>қабул қилиш;</p> <p>3) Видеорегистраторлардан маълумотни базага узатиш;</p> <p>4) Келиб тушган видео файлларни таҳлил қилиш;</p> <p>5) Натижаларни мутасадди ходимларга етказиб бериш;</p> <p>6) Назоратдан четда қолган ҳудудлардаги қоидабузарликларни фуқаролар шахсий автомототранспортлари ёрдамида назоратга олиш;</p> <p>7) Йўл хавфсизлиги даражасини ошириш;</p> <p>8) “Хавфсиз йўл” платформасида автомототранспорт воситаларини рақамларини автоматик аниқлаш ва уни маълумотлар базасига автоматик киритиш;</p> <p>9) Хавфсиз йўл” платформасида ҳукуқбузарлик бўйича маълумотларни таҳрирлаш асосида Автомототранспорт воситалари эгаларига хат чиқариш;</p> <p>10) Автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳукуқбузарликни юборган шахсни идентификациялаш;</p> <p>11) Автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар эгаларини шахсий кабинети орқали огоҳлантириб ва маълумотлар бериб бориш;</p> <p>12) Автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар эгаларини рағбатлантириб бориш</p> <p>5) Тизимнинг модуллари:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Маълумотларни киритиш модули;</li> <li>2) Ҳужжатлар айланиши модули;</li> <li>3) Ташқи тизимлар билан мулоқот модули;</li> <li>4) Онлайн маслаҳат модули.</li> </ol> <p>6) Дастурий таъминотнинг функционал режимлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) МБ сервери маълумотлар нусхасини олиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини ўтказишдан ташқари узлуксиз ишлашини таъминлаш лозим;</li> <li>2) АТдаги маълумотномаларни янгилаш ва тўлдириш АТ операторлари томонидан амалга оширилади;</li> <li>3) Дастурий таъминотни ишлаб чиқиши жараёнида фойдаланиладиган дастурий модуллар ва кутубхоналар, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатида кенг қўлланиладиган ва умумий фойдаланиш имкониятига эга</li> </ol>
--	--

	<p>қўлланиладиган ва умумий фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим;</p> <p>4) Ишлаб чиқиладиган дастурий маҳсулот имкон даражасида операцион тизим ва ҳисоблаш техникасининг муайян турларига боғланиб қолмаган бўлиши лозим;</p> <p>5) Кўп платформали ечимларга эга бўлган ва SQL сўровлар тили асосида ишлайдиган МБни бошқариш тизимидан фойдаланиш;</p> <p>6) Кўп платформали ечимларга эга бўлган web-сервер дастурларидан ва муҳитларидан фойдаланиш;</p> <p>7) TCP/IP тармоқ протоколидан фойдаланиш.</p> <p>8) Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ўрнатиш ва уни созлаш;</p> <p><b>2-босқич</b></p> <p>1) Вазирлик ва идоралардан, шу жумладан, Киберхавфсизлик маркази давлат унитар корхонасидан тегишли рухсатномалар олиш ва техник топшириқларни мувофиқлаштириш.</p> <p>Техник шартларни тайёрлашнинг умумий муддати 15 иш куни.</p> <p>Техник топшириқни тасдиқлаш 35 иш кунигача.</p>	
--	---	--

## **2. Танлов валютаси**

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

### **3. Етказиб бериш шартлари ва муддати**

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати шартномада белгиланган муддатда.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади.

## **4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

## **5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1. Виды шашек и их правила игры

2. Игра в шашки на 64 полях с правилами и рекомендациями

3. Игра в шашки на 64 полях с правилами и рекомендациями

4. Игра в шашки на 64 полях с правилами и рекомендациями

5. Игра в шашки на 64 полях с правилами и рекомендациями

6. Игра в шашки на 64 полях с правилами и рекомендациями

7. Игра в шашки на 64 полях с правилами и рекомендациями

## V. ШАРТНОМА ШАКЛИ

Шашки на 64 полях с правилами и рекомендациями

Тошкент шаҳри

2022 йил

« \_\_\_\_ »

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси номидан НИЗОМ асосида иш юритувчи раҳбари \_\_\_\_\_, бир тарафдан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) ҳамда номидан НИЗОМ асосида иш юритувчи иккинчи тарафдан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади), ҳар бири алоҳида “Тараф” ва биргалиқда “Тарафлар” деб номланиб, қўйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

### I. Шартнома предмети:

1.1. Ушбу шартноманинг предмети: «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш ҳисобланади.

1.2. Ишларнинг тўлиқ ҳажми ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Ишларни бажариш режага мувофиқ икки босқичдан иборат.

1.3. Ишларни бажариш муддати ушбу шартноманинг 3-бўлимига мувофиқ Бажарувчи томонидан Буюртмачидан олдиндан тўлов олинган пайтдан бошлаб 45 банк иш кунни ташкил қиласди.

### II. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

#### 2.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Ушбу шартнома доирасида Ишларни бажаришнинг календарь режасига мувофиқ барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш.

Ҳар бир босқич бўйича ишлар Тарафлар томонидан Ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланганидан кейин бажарилган ҳисобланади.

2.1.2. Шартнома бўйича ишларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажарилишини таъминлаш.

2.1.3. Бажарилган ишларда аниқланган барча камчиликлар ва хатоларни Буюртмачи билан келишилган муддатда ўз ҳисобидан бартараф этиш.

2.1.4. Ишлар якуни бўйича дастурнинг барча кириш кодлари (исходные коды) Буюртмачига тақдим этиш.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар томонлар қабул қилиш

тұғрисидаги далолатнома имзолаганидан кейин тугалланган ҳисобланади.

## **2.2. Бажарувчининг ҳуқуқлари:**

2.2.1. Ишларни Буюртмачи билан келишилган ҳолда муддатидан илгари бажариш.

2.2.2. Ушбу шартнома бўйича ишларни (ёки уларнинг қисмларини) бажариш учун мутахассислар ва эксперктарни ҳамда бошқа ташкилотларни жалб қилиш;

## **2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.3.1. Бажарувчи томонидан бирламчи маълумотлар ҳамда бошқа зарур материалларни ўз вақтида олинишига ўз ваколати доирасида кўмаклашиш.

2.3.2. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш давомида тезқор қарорларни қабул қилиш учун ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida Буюртмачи номидан ваколатли вакилни ёзма шаклда тайинлаш. Буюртмачи вакилининг ваколатига ушбу шартнома бўйича ишларни бажаришга тегишли бўлган сўровлар ёки Тарафларнинг мурожаатларига сўров ёки Тарафлардан мурожаат келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida ёзма ёки электрон шаклда жавоб тайёрлаш киради.

2.3.3. Заруратга кўра, ушбу шартнома бўйича ишлаб чиқилаётган ҳужжатларни ўзининг таркибий тузилмаларида ва тегишли вазирлик ҳамда идораларда келишилишини таъминлаш.

2.3.4. Бажарувчига техник топширик, талаблар, бажаришда акс эттириладиган шакллар ва ҳисботлар тақдим этилишини таъминлаш.

2.3.5. Ушбу шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳисботга оид Бажарувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш.

2.3.6. Ишларни бажариш муддатлари мувофиқлаштирилишини, бажариладиган ишлар бўйича оралиқ ва якуний натижаларга эришилишини назорат қилинишини таъминлаш.

## **2.4 Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

2.4.1. Шартнома бўйича бажарилаётган ишлар жараёнини ва сифатини доимий асосда текшириш.

### **III. Шартноманинг умумий баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби:**

3.1. Ушбу шартноманинг умумий баҳоси мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган 1-иловасида кўрсатилган нархларни келишиш баённомасига мувофиқ

(\_\_\_\_\_ сүм) сўмни ташкил қиласи.

3.1.1. Буюртмачи ушбу шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк

иш куни ичида Бажарувчининг ҳисоб рақамига шартнома умумий баҳосининг 30% (\_\_\_\_\_), ни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи Тарафлар томонидан ҳисобварақ-фактура ва ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб Бажарувчининг банк ҳисоб рақамига бажарилган ишларнинг 70% (\_\_\_\_\_) микдоридаги маблагни тўлиқ бажарилган иш бўйича олдиндан тўланган суммасини чегирган ҳолда 3 (уч) банк иш куни ичида ўтказиб беради.

#### **IV. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби:**

4.1.Ҳар бир босқич бўйича ишлар якунланиши билан Бажарувчи икки иш куни ичида Буюртмачига бажарилган ишлар далолатномаларини, ҳисобварақ-фактураларни ва бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисботларни тақдим этади.

4.2.Буюртмачи ушбу шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичида Бажарувчига имзоланган бажарилган ишлар далолатномалари ва ҳисобварақ-фактураларни юбориши, Буюртмачи эса Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортганда Буюртмачи Бажарувчига 10 (үн) календарь кун ичида бош тортиш сабабларини асослантирган ҳолда жавоб юбориши лозим.

4.3.Бажарилган ишларда камчиликлар аниқланганда Бажарувчи аниқланган камчиликларни ва/ёки номувофиқликларни Буюртмачи билан келишилган муддатларда бартараф этиш ёхуд Буюртмачи билан келишилган ҳолда Буюртмачининг ҳисоб рақамига лозим даражада бажарилмаган (сифатсиз ёки яроқсиз) деб топилган ишлар қисми учун тўланган пул маблағлари суммасини тегишли органларнинг салбий хulosаси олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида қайтариш мажбуриятини олади

#### **V. Махфийлик:**

5.1. Ошкор этувчи Тараф – оловчи Тарафга махфий маълумотларни ошкор этувчи Буюртмачи.

5.2. Оловчи Тараф – бошқа Тарафдан – Буюртмачидан махфий маълумотни оловчи Бажарувчи.

#### **VI. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби:**

6.1. Асосида ушбу шартнома тузилган шартлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тарафлар ўртасидаги келишувга кўра ўзгартирилиши мумкин.

6.2. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва ушбу шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Ушбу шартнома Тарафлар келишувига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ёзма шаклда

расмийлаштириллади ва Тарафлар томонидан имзоланади.

6.4. Шартнома Тарафлардан бирининг талабига кўра бошқа Тараф шартномани жиддий равишда бузган тақдирда суд қарорига асосан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

6.5. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

## VII. Тарафларнинг жавобгарлиги:

7.1. Ишларни бажариш кечикирилган ёки бажарилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг **0.01% фоизи** миқдорида пеня тўлайди, аммо пеняниг умумий миқдори бажарилмаган ишлар баҳосининг **50 % фоизидан** ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни шартномани тўғри бажаришдан ва ишларни кечикириш ёки бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

7.2. Бажарилган ишлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг **0.01 % фоизи** миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг **50% фоизидан** кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7.3. Тарафларнинг ушбу шартномада кўрсатилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ қўлланилади.

## VIII. Низоларни ҳал қилиш тартиби:

8.1. Томонлар ўртасида ушбу шартномадан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## IX. Форс-мажор ҳолатлари:

9.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар мажбуриятларни бажармаслик енгиб бўлмас куч, яъни ушбу шартнома тузилганидан кейин келиб чиқсан ва Тараф олдиндан кўра билмаган ва оқилона чоралар билан бартараф этолмайдиган фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ ҳолатлар оқибатида келиб чиқсан бўлса,

жавобгарлиқдан озод қилинади. Енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар қаторига ёнғин, сув тошқини, ер силкиниши, бошқа табиий оғатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳужжатлари, шунингдек, ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига тўсқинлик қилувчи қонунчилиқдаги ўзгаришлар киради. Енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар белгиланган тартибда тасдиқланади.

9.2. Енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар келиб чиққанда унинг таъсирига тушган Тараф биринчи имконият бўлиши билан ушбу ҳолатлар ҳақида бошқа Тарафни зудлик билан ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Хабарнома енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар тавсифи ва Тараф томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига таъсирини баҳолашни ҳамда бундай мажбуриятларни бажаришнинг тахминий муддатларини ўз ичига олиши зарур.

Тарафлар томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати ушбу мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар ва уларнинг оқибати амал қиласидан муддатга узайтирилади.

9.3. Енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар тугаши билан тегишли Тараф ушбу мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар ва уларнинг оқибати тугаган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан бошқа Тарафни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Хабарномада ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш мўлжалланаётган муддат кўрсатилган бўлиши шарт.

9.4. Енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар ва уларнинг оқибати олтий ой давомида кетма-кет рўй берса, ҳар қандай Тараф бошқа Тарафни шартномани бекор қилиниши мўлжалланаётган муддатдан ўн иш кунидан аввал огоҳлантириб ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин. Тарафлар енгиб бўлмас куч билан боғлиқ ҳолатлар туфайли шартномани бекор қилиш натижасида кўриши мумкин бўлган ҳар қандай заарни камайтириш бўйича барча оқилона чораларни кўрадилар.

## X. Якунловчи шартлар:

10.1. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

10.2. Ушбу шартнома Тарафлар томонидан имзоланганидан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қиласиди.

10.3. Ушбу шартнома ҳар бир Тараф учун икки нусхада тузилди. Барча

нусхалар айнан бўлиб, бир хил юридик кучга эга.

## XI. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**Бажарувчи**

**Буюртмачи**

« »мартдаги 2022 йил.  
« »-сонли шартномаг 1-илова

## ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗАТЛАРГА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

### 1. Умумий маълумотлар

«Хавфиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиш мавзусидаги иновацион лойиха доирасида «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш

т/р	Бажариладиган хизмат тури	Хизмат нархи
1.	<p>Лойихани амалга ошириш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:</p> <p>Маълумотлар базаси</p> <p>Ахборот тизими</p> <p>Протоколлар</p> <p><b>1-босқич</b></p> <p>2) Техник топшириқни ишлаб чиқиши-техник топшириқни ишлаб чиқиш жараёнида корхона ёки қилинаётган иш жараёнини тўлиқ тушуниб тизимни яратилиши наразда тутилади. Бу тизим “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ““Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони инобатга олган ҳолда яратилади. Бу хужжат давлат стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу хужжатга киритилган ўзгартиришлар</p>	

<p>“Хавфсиз йўл” ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун вақт ва бюджетни ўзгартиришни назарда тутади.</p> <p>Техник топшириқ қуидагиларни ўз ичига олиши керак:</p> <p>“Хавфсиз йўл” ахборот тизимини яратиш қуидаги ишларни ўз ичига олади:</p> <p>7) Яратилаётган тизимни дизайнини ишлаб чиқиш;</p> <p>8) Структурани тушунтириш;</p> <p>9) Тизимдаги савол жавобларни киритиш;</p> <p>10) Тизимни функциялари (хизматлари):</p> <p>13) Ахборот тизими фойдаланувчиларини рўйхатга олиш;</p> <p>14) Ахборот тизими фойдаланувчиларидан маълумотларни қабул қилиш;</p> <p>15) Видеорегистраторлардан маълумотни базага узатиш;</p> <p>16) Келиб тушган видео файлларни таҳлил қилиш;</p> <p>17) Натижаларни мутасадди ходимларга етказиб бериш;</p> <p>18) Назоратдан четда қолган худудлардаги қоидабузарликларни фуқаролар шахсий автомототранспортлари ёрдамида назоратга олиш;</p> <p>19) Йўл хавфсизлиги даражасини ошириш;</p> <p>20) “Хавфсиз йўл” платформасида автомототранспорт воситаларини рақамларини автоматик аниқлаш ва уни маълумотлар базасига автоматик киритиш;</p> <p>21) Хавфсиз йўл” платформасида ҳукуқбузарлик бўйича маълумотларни таҳрирлаш асосида Автомототранспорт воситалари эгаларига хат чиқариш;</p> <p>22) Автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳукуқбузарликни юборган шахсни идентификациялаш;</p> <p>23) Автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар эгаларини шахсий кабинети орқали огоҳлантириб ва маълумотлар бериб бориш;</p> <p>24) Автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар эгаларини рағбатлантириб бориш</p> <p>11) Тизимнинг модуллари:</p> <p>5) Маълумотларни киритиш модули;</p> <p>6) Ҳужжатлар айланиши модули;</p>	
---	--

	<p>7) Ташқи тизимлар билан мулоқот модули;</p> <p>8) Онлайн маслаҳат модули.</p> <p>12) Дастурый таъминотнинг функционал режимлари:</p> <p>8) МБ сервери маълумотлар нусхасини олиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини ўтказишдан ташқари узлуксиз ишлашини таъминлаш лозим;</p> <p>9) АТдаги маълумотномаларни янгилаш ва тўлдириш АТ операторлари томонидан амалга оширилади;</p> <p>10) Дастурый таъминотни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиладиган дастурый модуллар ва кутубхоналар, дастурый маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатида кенг қўлланиладиган ва умумий фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим;</p> <p>11) Ишлаб чиқиладиган дастурый маҳсулот имкон даражасида операцион тизим ва ҳисоблаш техникасининг муайян турларига боғланиб қолмаган бўлиши лозим;</p> <p>12) Кўп платформали ечимларга эга бўлган ва SQL сўровлар тили асосида ишлайдиган МБни бошқариш тизимидан фойдаланиш;</p> <p>13) Кўп платформали ечимларга эга бўлган web-сервер дастурларидан ва муҳитларидан фойдаланиш;</p> <p>14) TCP/IP тармоқ протоколидан фойдаланиш.</p> <p>8) Дастурый таъминотни ишлаб чиқиш, ўрнатиш ва уни созлаш;</p> <p><b>2-босқич</b></p> <p>1) Вазирлик ва идоралардан, шу жумладан, Киберхавфсизл ик маркази давлат унитар корхонасидан тегишли рухсатномалар олиш ва техник топшириқларни мувофиқлаштириш.</p> <p>Техник шартларни тайёрлашнинг умумий муддати 15 иш куни.</p> <p>Техник топшириқни тасдиқлаш 35 иш кунигача.</p>	
--	---	--

**Бажарувчи**

**Буюртмачи**

2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон шартномага илова

## **Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, вაъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир тарафлар давлат идораси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайтида, ёзма шакл ёки электрон почта орқали юбориш мумкин.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “яrim қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

Буюртмачи:

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

[Иштирокчининг номи ва почта манзили]

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратура Академияси  
100047 Тошкент, Шахрисабз, кўчаси, 42-уй  
Харид комиссиясига

2022 йил "\_\_\_" \_\_\_\_ соат \_\_\_:\_\_\_ гача (маҳаллий вақт билан) ОЧИЛМАСИН  
«Хавфиз йўл» дастурий таъминотини ишлаб чиқиши мавзусидаги иновацион  
лоиха доирасида «Хавфиз йўл» мобил иловасини яратиш юзасидан танловда  
иштирок етиш.

Таклифни келиб тушган санаси "\_\_\_" \_\_\_\_ 2021 й.

Вақт \_\_\_\_ соат. \_\_\_\_ дақиқа

\* Тижорат таклифидан конвертларни қабул қилиш Академия девонхонаси маъсул ходими  
томонидан қабул қилинади:

Тел.: (71) 202-04-96 (1747)

Таклифли конвертни топширишда сизни ёнингизда шахсий гувоҳномангиз бўлиши лозим.